

FAMILY SPIRITUALITY IS THE FOUNDATION OF A PERFECT SOCIETY

Amirova Guzal Bahodirovna

Senior Lecturer, Samarkand Institute of Veterinary Medicine

guzalinaamirova@gmail.com

Annotation

Family is a small homeland. The daily efforts that everyone makes for the future of their family and children are a good and noble deed for the Motherland. In other words, the creation, encouragement and support of parents in creating the necessary conditions for their children to grow up and become intelligent people will greatly contribute to the development of the country and the preservation of the nation's gene pool.

Keywords: Spirituality, family, knowledge, upbringing, education, intellectual potential, material need, spiritual nourishment, perfection.

Ҳаёт бамисоли оқин дарё. Унинг бир соҳили ёруғ дунёга келмоқ бўлса, яна бир соҳили кетмоқдир. Дарё эса ирмоқсиз бўлмайди. У- оиладир. Оиланинг ҳам икки соҳили бор. Бири-ота, иккинчиси-она. Ҳаёт дарёсининг таниқлиги ана шу ирмоқларга боғлиқ. Бу ирмоқларнинг зилоллиги эса ота-она тарбия кўрганлиги, диний тарбиядан хабардорлиги, ўзлигини англаган оиланинг маънавий муҳитига боғлиқ.

Таниқли психолог ва психотерапевт Вирджиния Сатир: “Оила - бутун олам микрокоиноти. Уни тушуниш учун оилани ўрганиш етарли. Оилада мавжуд бўлган ҳокимият, сирдошлик, мустақиллик, ишонч, мулоқот кўникмалари - ҳаётдаги кўпгина ходисалар калити. Агар биз дунёни ўзгартирмоқчи бўлсак, оилани ўзгартиришимиз зарур”, деган фикрларни билдиради.

Ҳар бир инсон яшар экан, ўзидан соғлом, тарбияли, иймонли насл-авлод қолдиришга ҳаракат қилади, бахтли ва яхши яшашни истайди. Аммо, инсонлар характери, темпераменти, иродаси ва тафаккурлаш даражаси турлича бўлганлиги учун яшаш тарзи ва дунёқараши ҳам бир-биридан фарқ қилади. Инсоннинг қўл-оёғи боғлиқ эмас, ҳамма нарсадан воз кечиши, қанот ёзиб учиб, ҳоҳлаган томонига кўчиб келиши мумкин. Борган жойида тиллоларга кўмилиб, азизлик тахтига кўтарилиши аксинча, хорлик ва зорлик чодирда ўтириши ҳам мумкин. Бу ҳар бир кишининг ўз танлови.

Хар бир инсоннинг, оиланинг вазифаси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб вояга етказишга кўмаклашишдан иборат. Зеро И.А.Каримов айтганларидек: “Биз истеъдодли, фидоий болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак”. Янги Ўзбекистон, порлоқ келажак учун ёш авлоднинг янгича, эркин, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган, қийин вазиятларда ўзини йўқотиб қўймайдиган, қийинчилик ва муаммоларни очиқ-ойдин баён этадиган, Ватан равнақи ва келажаги, оила, миллат шаъни, ғурури учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган, ёшлар қилиб вояга етказиш лозим. Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, юртимизда тинчлик, бозорларимизда сероблик, маҳаллаларда тўй тантаналари, туғруқхоналарда гўдаклар йиғиси оламни тутган. Бундай тинч, осуда, доруломон кунлар келади деб ким ўйлабди дейсиз.

Аллоҳ ўзи яратган неъматларнинг ичида энг гўзали деб инсонни танлади. Унга “инсони шариф” дея унвон берди. Одамзод шу тарифга лойиқ бўлиши ва шунга яраша ишлар қилмоғи керак. Хўш, биз шу номни оқлаб, унга мос амаллар қилябмизми?

Ойна ва кўзгу. Улар тузилиши жиҳатдан бир хил бўлсада, бажарадиган вазифаси турлича. Кўзгуга қараб ўзингизни кўрсангиз, ойнага қараб атрофни ва бошқаларни кўрасиз. Ўзимизни ойнадан, ташқаридан бир кузатайликчи.

Оила маънавий кўрғон бўлибгина колмай ёш авлод таълим-тарбиясининг илк масканидир. Оила-ҳақиқий маънавият ўчоғи ва кўрғони, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Чунки, миллий ғоямиз, мафкурамиз, менталитетга хос юксак туйғулар илк бор оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади. Оилада унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган мукаддас анъаналари орқали ёшларда ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ, меҳнатсеварлик кўникмалари шаклланади. Ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келгач, унинг баркамол, соғлом ўсиши ва фаровон яшяши учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Топган маблағини болаларини едириб-ичириш, кийинтириш, орзу-ҳавасларини рўёби учун сарфлайди. Шу зайлдан ойлар кетидан йиллар ўтиб, ота-онанинг сочларига оқ оралайди, кўзининг нури, белининг қуввати кетади. Уларнинг ёнида ота-онанинг кўзларини нуруни олган, сочларини қорасини олган, терисининг таранглигини ўзига жо қилган, кўриб

кўзинг қувнайдиган кўркам ўғил-қизлар қад ростлайди. Бунинг нимаси ажабланарли, ахир бу ҳаёт қонуни-ку дейишингиз мумкин. Тўғри аммо, кўпчилик ота-оналарни фарзандлари тарбиясидан нолиб гапирганини гувоҳи бўламиз. “Гапларимга кулок солмайди”, “Ўз билганини қилади”, “Ҳафта, ойлаб холимни сўрамайди”, “Мени жеркиб, силтаб ташлайди” ва ҳоказо.

Жафокаш, жабрдийда ота-она сиз фарзанд тарбиясида қаерда хотоликка йўл қўйдингиз. Маълумки, тарбия бу бир дақиқа ҳам кечиктириб, эртага қолдириб бўлмайдиган, муҳим-номуҳимга ажратилмайдиган жараён. Ҳар бир инсон дунёга келганида тоза қоғоздек. туғма лаёқат билан дунёга келади. Фақат бу лаёқат мудрок ҳолатда бўлади. Лаёқат қобилият, исътедод, талант даражасига кўтарилиши учун керакли шарт-шароит, қулай муҳит ва мақсадга қаратилган таълим -тарбия керак. Бола тарбиясида, унинг қизиқиши, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда оиладаги маънавий муҳит муҳим рол ўйнайди. Шундай бўлишига қарамай қишлоқ жойлари майли, шаҳар жойларида ҳам фарзанди нечанчи синф эканини, синф раҳбари, яқин дўсти, дугонаси ким эканини билмайдиган, олий ўқув юрти, коллежда ўқийдиган қизи ёки ўғлини ким билан, қаерда ижарада туришини, имтиҳонларидан қандай баҳо олаётганини, соатлаб, кечаси билан телефонда кимлар билан гаплашаётганини, бўш вақтини қандай ўтказаяётгани билан қизикмайдиган ота-оналар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу ота-оналар телеэкранлардаги мазмунсиз сериалларни бирор қисмини кўрмай қолишса ёки телефонлари ишламай қолса кечаси билан кўзларига уйқу келмайди. Аммо ҳаётининг мазмуни, асосий бойлиги бўлган фарзандлар таълим-тарбияси, уларга меҳр ва эътибор беришни доимий кейинга сурадилар. Хўш, бу учун уларга нима етишмайди? Маблағми, вақтми, имконми ёки маънавий тарбиядаги саёзликми?

Энди сабаблар устида қисқача тўхталиб ўтамиз. Агар маблағ йўқ десак бу виждонга хилоф иш бўлади. Негаки, данғиллама уйлар қуряпмиз, автомобиллар оляпмиз, қизларимизга мебеллар сотиб оляпмиз, дабдабали тўйлар ўтказаяпмиз. Ҳозирда ота-оналарни ишламайдигани ҳам ойига 1-2 марта гап-гаштакка боради. Устимиздаги кийим-кечак ва тақинчоқларингизни бир пулга чақсангиз бу пулга бемалол икки нафар фарзанд учун дарс қиладиган хона, стол-стул ёки қўшимча машғулотларга беришга маблағ топилади.

Вақт. Шу ўринда тўртинчи асрда яшаб ўтган мутафаккир Августин Аврелийнинг қуйидаги мулоҳазаларини эсламоқ жоиз деб ҳисоблайман: “Вақт фақат бизнинг руҳимиздагина мавжуд. Ўтмиш хотирамизда, келажак эса орзу-умидларимизда яшайди.

Келажакни ҳозирги вақтдаги баъзи белгилар воситасида кўра олишимиз мумкин. Демак ҳозирги вақтни моҳиятини кузатиш, мушоҳада юритишдан иборатдир”. Дунёда тўхтамайдиган ва ихтиёримизга бўйсунмайдиган бир нарса бор, у ҳам бўлса вақт. Ҳар лаҳзаси, ҳар сонияси ғанимат. Йўқотилган вақт армондан бошқа нарса эмас. Аммо вақтни қадрига етмаган, ўзини ва нима учун яшаётганини англамаган инсонлар соатлаб қимматли умрини ресторан, тўй, чойхонада ғийбат қилиб, бўлган-бўлмаган гапларни тарқатиш, ҳасад қилиш, карта, нарда, телефон, интернет ўйинлари ва ижтимоий тармоқларда ўтказиб юбормоқда. Боланинг ёшлигида уни суйиб, меҳр бермасдан, кексайганда уни меҳрсизликда айблаш, ундан меҳр кутиш, уруғ қадамай ҳосил кутган ахмоқ дехқонга ўхшайди. Вақтни ҳар бир инсон ўзига мослаб, тақсимлай олса олам гулистон бўлади.

Гап имкон, вақт йўқлигида эмас балки, фарзандларимиз маънавий ва интеллектуал тарбиясига лоқайд қараётганимизда. Эртага мактабни битириб, коллеж ёки олий ўқув юртига ўқишга кирган боламиз исм-шарифини ёзишда 3-4 та имло хато қилса, фикрлаш доираси торлигидан теварак-атрофида, жамиятда бўлаётган воқеалар, ўзгаришларга тушуна олмай, анқайиб турса, тенгдошлари олдида кулгига қолса, “яхши ўқитмаган” деб мактабни, ўқитувчиларни айблаймиз. Хўш, ўзимизчи, боламни яхши ўқиши учун мен нима қилдим, у билан, дарслари билан қизиқдимми, ўқитувчиларидан бориб баҳолари, тарбияси, хулқи ҳақида сўраб-суриштирдимми? - деб ўзимиздан сўрайлик. Бу оғриқли саволларга виждонан жавоб бера оласизми? Фарзандингизни таниш-билиш, совға-саломлар билан жойлаштирган таниқли мактаб, коллеж, олийгоҳда оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги бўлмас экан, биз орзу қилган озод ва обод жамиятни қурувчилари ҳам етишиб чиқмайди.

Ваҳоланки, болада дунёқараш, фикрлаш қобилияти, ўқишга қизиқиш, ён-атрофга муносабат каби фазилатлар оилада шаклланади. Бир мавсумга бир нафар фарзандингизга ўртача 600-800 минг сўмга кийим-кечак сотиб олиб берасиз. Келгуси йил бу кийимлар урфдан қолади ёки кичик бўлиб қолади. Сиз яна кийим олиб берасиз. Энди 12-16 ёшли болангизга ўтган йиллар мобайнида моддий эҳтиёжларига қанча маблағ сарфлаганингизни ҳисоблаб кўринг. Тўғрида буни нимаси ёмон, шулар учун ишляпмизку дейишингиз табиий. Ўтган 12-16 йил мобайнида фарзандингизни маънавий дунёсини озиқлантириш учун, ақли ва шуурини кийинтириш учун неча пул сарфладингиз. Охирги марта қачон фарзандингиз билан фанлари, ўқишлари юзасидан савол-жавоб қилдингиз, уни кўнгли, қизиқишлари билан қизиқдингиз. Бутун жонли

табиатнинг гултожи бўлмиш онгли инсон ҳаёт фақат қорин тўйдиришдан иборат эмас. Ахир ўзингиз кундалик ҳаётда келишган, дунёқараши кенг, самимий, интеллектуал салоҳияти ва ақли билан бошқалардан ажралиб, намуна бўладиган инсонларни кўрсангиз баъзан ошқора, баъзан яширин ҳавас қиласиз. Қани эди менинг ҳам фарзандларим шундай бўлса дея ўйлайсиз. Нимага, нима учун?- дея ўзингизга саволлар берасиз. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов қайд этганидек, **“Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”**.

Минг афсуслар бўлсинки, баъзи оилаларда ота-оналар эс-хушини фарзандларини баркамол қилиб тарбиялаш ташвиши эмас, қандай қилиб кўпроқ пул топиш, мол-дунё тўплаш васвасаси эгаллаган. Кўпроқ ишлаб пул топиш, яхши яшашга интилиш, орзу-ҳавасларга эришишни ҳеч ким тақиқлагани йўқ. Лекин бош мақсад - фарзандлар онгига булар барчаси яхши ўқиш, илмга, меҳнатга меҳр орқали рўёбга чиқишини сингдириш керак. Ана шунда улар чинаккам инсонлар бўлиб етишади. Боланинг маънавий-ахлоқий тарбиясидан ота-она қанчалик манфаатдор бўлса, давлат ҳам улардан кам фойда кўрмайди. Ота-она фақат ўз фарзандини ўйласа, давлат учун барча бола азиз ва уларнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишини истайди. Чунки бугун муқаддас динимиз, маънавий меросимиздан хабардор, оилада яхши тарбия кўрган болалар эртага улғайиб, келажакимизни, маънавиятли жамиятни барпо этишади. Бундай жамият ривожланган, юксак тараққий этадиган давлатнинг асосини ташкил этади.

Жаҳонда шундай бир буюк ҳодиса борки, у токи одамзотнинг онги, ҳаёти мавжуд экан, ҳеч қачон завоқ топмайди. Бу – соғлом фикрлайдиган, эзгу орзу-умидлар билан яшайдиган инсон ва жамият томонидан ҳамма замонларда ҳам қадрланиб келган маърифатдир. Буюк аждодларимизнинг фикрига кўра, кишининг одоби, хулқи унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатга эришса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукамал бўлади. Агар сиз фарзандларингиз учун ишлаётган ва ҳалол пул топаётган бўлсангиз аввало, фарзандларингизга илм беринг. Даромадингизни 30-40% ни уларни таълим олиши учун, бўш вақтингизни 50-60% ни тарбияси учун сарфланг. Зеро, таълим-тарбия учун сарфланган 100 сўм вақти келиб сизга 1000 сўмлик фойда ва фаровонлик олиб келади.

Болагизни соғлиғини текширтиринг, спортга беринг, бўйини ўстиринг, мушакларини пишитинг. Бобокалонимиз Ибн Сино айтганларидек “Соғлом танда –соғ ақл”. Фарзандларингизга бош бўлиб кутубхоналарга, китоб дўконларига боринг, китоб, журнал, газета ўқиб қалби гўзаллашсин, ақли тиниқлашсин, йўкса улардан зехни паст, тўнкасифат болалар дунёга келади.

Ислон таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.): “*Фарзандларингизга сузиши ва камон олиши, қизларга ип йигиришини ўргатинглар*”, деганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “*Илм олиши ҳар бир мусулмон ва муслима учун фарздор*”, деб марҳамат қилганларида, ўғил ва қиз фарзандларимизга илм олиш учун баробар шароитни таъминлаш кераклиғини назарда тутганлар. Донишмандларнинг айтишича, ўғил бола 18 ёшида 5 та ҳунарни эгаллаган бўлиши, деҳқончиликдан хабардор бўлиши, қиз бола 18 ёшида 7 хил таомни тайёрлай олиши, 5 хил либос тикишни ва муомала одобини билиши шарт. Ана шунда у хорлик ва камбағалликни билмайди дейилган.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида фарзанд тарбияси борасида шундай фикрлар келтирилган: “Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билгил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил, турмуш машаққатларини ўзи унга ўргатур. Фарзанднинг кўзига ўзингни ҳайбатлиғ кўргузғил, то сени хор тутмасин ва ҳамиша сендан кўрқиб юрсин”.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, дунёни билишдан олдин инсон инсонийликни, ўзини ўрганиши, нималарга қодир, нималарни кўтара олмаслиғини билиши, бахту-бахтсизлик унинг қилган амалларига боғлиқ эканини ўқиб олиши шарт экан. Инсонга яшаш учун берилган ҳамма неъматларни таниш ва ундан лаззатланиш ҳам илм эканлиги, неъматларнинг энг буюғи инсон илми авайлаш, асраш билимларнинг ёшларга астойдил ўргатиши зарур.

Мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, ва қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳар бир инсонни имконият ва қобилиятларини юзага чиқаришга хизмат қилади. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш – биз учун энг муҳим масаладир. Фақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт

тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган сиз, азиз ёшларимиз майдонга дадил чиқиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этишга кодирсиз”.

Бунинг учун ҳар бир инсон ўзи ва оила аъзоларини маданий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий билимдонлигини оширса ва бу билимлардан ўз ўрнида фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ўзбек халқи азалдан комил инсон ғоясини улуғлаб келган. Инсонни тарбиялаш бўйича мутафаккирларимизнинг бой мероси биз учун дастурамал бўлади десам, хато қилмаган бўламан. Ҳар қандай давлатнинг эртанги куни бевосита ёшларга боғлиқ эканлигини ҳеч биримиз ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатининг биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. Тошкент,
4. Кайковус “Қобуснома” Тошкент. 1996.
5. Матлаббека Улуғбек қизи “Ҳикматлар гулдастаси” Тошкент. 1994
6. Очил Сафо. Қалб гулшани. Тошкент. 1992
7. Турсуной Содикова “Бахт қаерда” Тошкент. 2011
8. Фармон Тошев “Сўз айтмоқ -саодат” Тошкент. 2011
9. Дилрабо Бобоева. Газета сўзининг қудрати. Тошкент. 2013